
Сайловда фуқароларимиз фаол иштирок этмоқдалар

Халқ депутатлари Тошлоқ тумани Кенгашининг бўшаб қолган депутатлик ўрни учун 21-Найман сайлов округида овоз бериш жараёнлари бўлиб ўтмоқда. 19-мактабда жойлашган 556- ва 20-мактабдаги 557-сайлов участкаларида фуқароларимиз фаол иштирок этишмоқда. Овоз бериш жараёнлари 20:00 га қадар давом этади. Ушбу сайловларда Ўзбекистон Либерал Демократик Партияси, Халқ демократик партияси, Миллий тикланиш демократик партияси, Адолат социал-демократик партияси ва Ўзбекистон Экологик партиясининг номзодлари халқ ишончини қозониш учун ҳаракат қилмоқда.

Бўшаб қолган ўринларга ўтказиладиган сайловларда иштирок этадиган аҳолининг саломатлигини муҳофаза қилишга асосий эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ҳар бир овоз бериш учун келган фуқаро бинога киришда тана ҳарорати ўлчаниб, янги тиббий ниқоб, тиббий қўлқоп билан таъминлаб, антицептик восита билан ишлов берилгандан сўнг овоз бериш жараёнига ўтмоқда. Овоз бериш жараёнлари ўтказиладиган бинолар сайловчилар келиб кетгандан сўнг дезинфекция қилиб турилмоқда.

2020-10-13 18:07:39